



Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2018 йил 12 май • шанба • № 56 (4029)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойининг ижтимоий ҳаётимизда ўзаро аҳиллик ва ҳам-жихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда ҳамда муқаддас ислом динининг ин-сонпарварлик моҳиятини, унинг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғояларини кенг тарғиб этиш, диний-маърифий кадрият-ларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида:

1. 2018 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 17 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини азалий анъана ва кадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган эзгу ғоялар, динимиз арконларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват этадиган, ёш авлодимизни Ва-танга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу муқаддас ойда ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёлари-мизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойи-ни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респу-бликасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 май

Ўзбекистон — АҚШ:

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Хабар қилинганидек, жорий йил 15-17 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлади. Музокаралар чоғида қатор долзарб масалалар билан бирга амалий шерик-ликни кенгайтириш ва ўзбек иқтисодиётига Америка сармоя-лари ва технологияларини жалб этиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилиши кўтилмоқда. Ушбу муҳим воқеа арафа-сида «Жаҳон» ахборот агентлиги Ўзбекистон — Америка савдо алоқаларининг замонавий ҳолати ва истиқболларини таҳлил қилди.

Америка Қўшма Штатлари кўпгина иқтисодий ва бошқа кўр-саткичлар бўйича сайёрамиздаги етакчи мамлакат бўлиб қолмоқда: масалан, 2017 йил якунилари бўйича ялпи ички маҳсулот 18 триллион доллардан ошди. АҚШ дунёнинг энг диверсификациялашган постин-дустриал иқтисодиёти бўлиб, унда юқори ишлаб чиқариш кучига эга инновациялар тармоғи устуни аҳами-ятга эгадир. Мамлакат илмий-тех-никавий тараққиёт натижаларини индустрияга таъбиқ этиш, ўз каш-фиётлари лицензияларни экспорт қилиш, ихтиро ва энг янги ишлан-малар борасида етакчилик қил-моқда. Америка ялпи ички маҳсу-лотининг катта қисми аллақачондан бери хизмат кўрсатиш соҳаси тар-моқлари ҳисобидан шаклланиб кел-моқда.

Ўз навбатида, Марказий Оси-ёнинг юрагида жойлашган, мин-тақанинг барча мамлакатлари ва Афғонистон билан чегарадош бўлган Ўзбекистон изчил ўсув-чан иқтисодиёт ҳамда катта истеъ-мол бозорига ва, табиийки, барча қўшни давлатлар бозорига чиқиш йўлига эгадир. Арзон, бироқ юқори малакали ишчи кучи ва ши-тоб билан ривожланаётган инфра-тузилмага эга бўлган республика ўта истиқболли сармоявий шерик ҳисобланади.

Шунинг учун Тошкент ва Ва-шингтон ўзаро муносабатларда сав-до-иқтисодий алмашувларни кучай-тиришга устувор аҳамият бермоқда. 1993 йилдан буён савдо муноса-батларида энг қулай шароит ярат-тиш режими амал қилмоқда. 2006 йили имзоланган АҚШ ва Марка-зий Осиё давлатлари ўртасида савдо ва сармоялар бўйича доиравий би-тим (United States – Central Asia Trade and Investment Framework Agreement, TIFA) ҳам ўзаро амалий алоқаларни ривожлантиришга кў-маклашмоқда.

2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеяси-нинг 72-сессияси доирасида Ўзбеки-стон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ бизнес доиралари вакиллари билан қатор самарали учрашувлар ўт-казгани баробарида Американинг юз-

дан зиёд етакчи компаниялари ишти-рокдаги Ўзбекистон — АҚШ биз-нес форумида ҳам қатнашди. Тадбир якуни бўйича АҚШ компаниялари билан нефть-газ ва нефть-кимё жаб-ҳаси, машинасозлик, электротехника соноати ва фуқаро авиацияси соҳа-ларини қамраб олган, умумий қий-мати 2,6 миллиард долларга тенг бўл-ган йирик ҳужжатлар тўплами им-золанди. Бундан олдин, 2017 йил февралда худди шундай бизнес-фо-рум Тошкентда ўтказилган эди.

Қўшма дастурлар ва турли жабҳалардаги лойиҳаларни ил-гари суришда Америка — Ўзбе-кистон савдо палатасининг ҳис-сасини алоҳида қайд этиш жоиз. 1993 йили ташкил топган мазкур ассоциация икки мамлакат иш-билармон доиралари ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини ўта-моқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарил-ган янги ва қайта ишланган ме-ва-сабзавот маҳсулотларига, халқ хунарамдчилиги ва тўқимачилик буюмларига океан ортида катта та-лаб кузатишмоқда. Бу йўналишдаги аниқ мақсадни қўзда тутадиган ишларни йўлга қўйиш мақсадида ўтган йили Нью-Йоркда Ўзбеки-стон — Америка савдо уйи очилди. Унинг асосий миссияси — ишби-лармон доиралар вакилларининг манфаат ва сайё-ҳаракатларини му-вофиқлаштириш, мамлакатимиз тадбиркорлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар экспортини қўлай-тириш.

2

КУН НАФАСИ

«Ўзбекистон Республика-сида афв этишни амалга оши-риш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Президент Фармони қабул қилинди.

Фармон билан тасдиқланган низомга мувофиқ афв этиш Прези-дент томонидан Фармон қабул қи-лиш орқали амалга оширилади.

«Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тўдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қи-линди.

Унда ихтисослаштирилган ал-лергологик ёрдам кўрсатишни та-қомиллаштириш, унинг сифатини яхшилаш ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аллергия касалликларига ташхис қўйиш ва уларни даволашда илгор услубларни жорий этиш, шунинг-дек, соҳада фаолият кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг мод-дий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақ-садида қатор вазифалар белгилаб берилди.

«Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институ-тида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тўдан тақомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги Президент қарори имзоланди.

Унга биноан Тошкент иррига-ция ва кишлоқ хўжалигини меха-низациялаш муҳандислари инс-титутини, унинг Бухоро филиали ҳамда академик лицейлари билан биргаликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтка-зилди.

«Кишлоқ хўжалигини ўз вақтида кишлоқ хўжалиги тех-никаси билан таъминлаш ме-ханизмларини янада тақомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори эълон қилинди.

Унда кишлоқ хўжалиги маҳ-сулотлари етиштирувчиларни мамлакатимизда ишлаб чиқарил-ган сифатли ва арзон техника би-лан таъминлаш, техника паркини янгилаш, шунингдек, уларга ўз вақтида сервис хизматини кўрса-тишга оид аниқ вазифалар белги-ланган.

«Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Мил-лий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги фили-али фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарор билан республика ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун юқори малакали муҳан-дис-техник кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва тақомил-лаштириш, олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида Олмалик шаҳрида (Тошкент вилояти) Фе-дерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИ-СиС»нинг филиалини ташкил эти-ладиган бўлди.

«Тошкент давлат аграр уни-верситетида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тўдан тақомиллаштириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига асосан Тош-кент давлат аграр университети, унинг филиаллари ва таркибдаги академик лицейлари билан бирга-ликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтказилди. Шунингдек, Андижон кишлоқ хў-жалиги институти негизда Тош-кент давлат аграр университети-нинг Андижон филиали ташкил этилди.

«Самарқанд ветеринария медицинаси институтини таш-кил этиш тўғрисида»ги Прези-дент қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ Самарқанд киш-лоқ хўжалиги институти негизда Самарқанд ветеринария меди-цинаси институти ташкил этилиб, институт ва унинг қошидаги ака-демик лицей Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтка-зилди.

Мазкур институтда ветери-нария ва чорвачилик соҳаси учун янги замонавий билимларга эга бўлган олий маълумотли мутахас-сис кадрлар тайёрланади.

«Давлат фойдасига воз ке-чиш божхона режимига жой-лаштирилган айрим товарларни бегараз бериш тўғрисида»ги Ху-кумат қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, давлат фой-дасига воз кечилган айрим то-варлар Тошкент шаҳридаги мак-табга таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, «Мурув-ват» ва «Саховат» интернат уй-лари, тегишли бюджет ташкилот-ларига бегараз берилди.

Вазирлар Маҳкамаси томони-дан «Ўзбекистон Республика-сида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чо-ра-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.

У Ўзбекистонда инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳала-рида мажбурий меҳнатнинг ол-дини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришга доир аниқ ҳамда амалий чора-тадбирлар амалга оширили-шига қаратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент вилоятининг Пар-кент туманида санаторий ва дам олиш уйлари барпо этиш чо-ра-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

У билан Тошкент вилояти ҳо-қимлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон қа-саба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўзавтосаноат» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзгазротехсаноатхолдин» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Кишлоқ қу-рилиш банк» АТБ, «Orient finans» ХАТБ ва «Трастбанк» ХАТБнинг Тошкент вилояти Паркент тумани ҳудудида санаторий ва дам олиш уйлари барпо этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқулланди.

Интернет нашрлари
хабарлари асосида
тайёрланди.

Бағрикенгликка қўйилган ҳайкал

Иккинчи жаҳон уруши йил-ларида тошкентлик те-мирчи Шоахмуд Шоахму-дов (1890 — 1970) ва унинг хотини Баҳри Акрамова (1903 — 1987) турли миллатларнинг қаровсиз ва етим қолган болаларини асраб олиб, таълим-тарбия беришди. Улар турли миллат вакиллари бўл-ган 13 нафар ва урушдан сўнг яна 3 нафар болани ўз қарамоғига олиб, аксариятига ўзлари исм қўйишди. Ҳабиба, Вова, Шухрат — рус, Ҳа-мидулла — украин, Рафик, Рахма-тулла — татар, Холида — молдован, Самуг — чуваш, Йўлдош, Эргаш — якудий, Ҳалима — қозоқ, Қоровой, Неъмат, Муаззам, Ҳакима, Улугбек — ўзбек. Темирчи Шоахмудов-нинг катта оиласи ҳақидаги хабар узок-узокларга, ҳатто фронтга етиб борган эди. Бу ҳақда эшит-ган ҳарбийлардан бири катта лей-тенант Левитский Шоахмуд отага бир неча юз рубл жўнағди. Шоах-муд ота эса бу пуллар эвазига яна бир украин бола — Саня Брининини ўз бағрига олди.

Яна қўллаб ўзбек оилалари Шо-ахмудовлар сингари жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатишди. Таъкид-лаш жоизки, ўша йилларда ўзбек

Атоқли ёзувчи Ўткир Ҳошимов таъкидлагани-дек, йиғлаб турган гўдакнинг бегонаси бўл-майди. Халқимизга хос бундай қадриятларни баланд тутган оилалардан бири Шоахмудов-лар хонадониди эди. Бугун марказинг ёдгорлик ансамбли поэтичлиги уларнинг маънавий майдонда яна қад ростлади.



оилалари жами 4,5 минг нафардан зиёд етим болани асраб олишган. Шоахмудовлар каби самарқанд-лик Самадовлар 13 болани пар-варишлаб ўстирган. Шонли та-

рихимиз саҳифаларидан жой ол-ган бундай инсонлар ҳаёти ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати ин-сон» романи, «Ўзбекфильм» кино-студиясининг «Сен етим эмассан»

фильми яратилишига асос бўлган. Шоахмудовлар шарафига 1982 йилнинг 26 майида Тошкентда Халқлар дўстлиги монументи очилди. Ҳайкалтарош Д. Рябичев,

меъморлар Л. Адамов, С. Оди-лов томонидан ишланган ёдгор-лик мажмуи кейинчалик Тош-кент шаҳрининг кириш жойига қў-чирилган эди. Бугун эса мазкур ҳайкал аввалги жойига — Шайхон-тохур туманидаги «Халқлар дўст-лиги» майдонига қайтарилди. У ер-даги санъат саройи ва метро бекати ҳам аввалги «Халқлар дўстлиги» номини олди.

Майдон бугун гавжум. Ёш-у қари монументга назар солар-кан, замонанинг аччиқ синовла-рида ҳам ушбу оилани тарқ этма-ган меҳр-муҳаббат, инсонийлик ва самимийлик нафасини ҳис қилиш-ган бўлса, ажаб эмас. Президент-миз Шавкат Мирзиёев Шоахму-довлар кўрсатган қаҳрамонлиқнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтаркан, «Бизнинг бағрикенглигимиз ота-о-намиздан қолган. Илоҳим, болала-римизга ҳам ўтсин. Ана шу адолат-дан бўлади» деганлари бежиз эмас.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги ва меҳмондўстлигини акс этти-рувчи бундай монументлар бугунги осейилшга, фаровон ҳаётга шукро-налик ҳиссини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Озод РЎЗИҚУЛОВА

Семинар

Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ҳамда масъул ташкилотчи томонидан Тошкент вилоятининг Бўқа ҳамда Қуйи Чирчиқ туманларида қатор учрашувлар ташкил қилинди. Уларда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари катнашди.

Маълумки, Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотига 1992 йилда аъзоликка қабул қилинган бўлиб, хозирга қадар мазкур ташкилотнинг 14 та Конвенцияси ратификация қилинган. Хусусан, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик тўғрисидаги қатор конвенциялар талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда 1 та Бош келишув, 95 та тармок келишув, вилоят миқёсида 1 та минтақавий келишув, бевосита корхона ва ташкилотларда эса 23 минтақадан ортиқ жамоа шартномалари амал қилмоқда.

ХМТ билан ҳамкорликда 2017 — 2020 йилларни ўз ичига олган муносиб меҳнат бўйича дастур ижроси таъминланган. Халқаро меҳнат мезонларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш босқичи-ма-босқич амалга оширилмоқда.

Учрашув доирасида мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолияти, улар томонидан уюштирилаётган конференция, семинар ва давра суҳбатлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бундай мулоқотлар ҳар бир тўғрида ташкил этилади.

Муҳаббат РАҲЗОҚОВА,
«Ishonch» мухбири

Хоразм вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида мажбурий меҳнат ва одам савдоси масалаларига бағишланган амалий семинар ташкил қилинди. Унда ҳуқуқ-тартибот органлари, савдо-саноат палатаси, вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси ҳамда касба уюшма вакиллари иштирок этдилар.



— Мамлакатимизда демократик ислохотлар жадвал билан давом этмоқда, — деди бирлашма раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов. — Уч босқичли — давлат, парламент ва жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилгани туфайли меҳнаткашларнинг иш шaroити яхшиланиб, турмуш фаровонлиги тобора ортиб бормоқда. Бироқ ушбу йўналишда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бош мухассиси Темури Толибоев мавзу юзасидан қуйидаги фикрларни билдирди:

— Иш берувчи ходимни мажбурий меҳнатга жалб қилганда касба уюшмаси бунга йўл қўймаслик учун барча чораларни қўриши керак. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан мажбурий меҳнатнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар барчага ибрат бўлиши мумкин. Хусусан, «Ишонч телефони» орқали бўлаётган муножаатларга ўз вақтида жавоб қайтарилмоқда. Ушбу тажриба Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ҳам эътироф қилиниб, бошқа давлатларга тавсия қилинди. Иш берувчи вакиллари билан олиб борилаётган музокаралар ҳам бесамар кетмапти.

Вилоят прокурори ёрдамчиси Гулшаной Ўрозбоева одам савдоси, унинг оғир оқибатлари, олдини олиш чоралари хусусида кенг тўхтади. Маърузачи тилга олган айрим рақамлар семинар иштирокчиларини ушбу масала юзасидан чуқурроқ ўйлашга ва тегишли хулоса чиқаришга ундади. Айтайлик, айрим фуқаролар хориждан турли юқумли касалликларни юқтириб қайтаётгани яра устига чипкон бўлаётди. Хорижда ишлаб, иш ҳақларини ололмаётгани боис ҳуқуқ-тартибот органларига муножаат қилаётганлар қанча!

Хўш, юртдошларимиз хорижда одам савдоси курбонларига айланмаслиги ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинмасликлари учун нималар қилиш керак? Семинар иштирокчилари ушбу савол атрофида узок музокара олиб боришди. Гуруҳларга бўлинган ҳолда видеороликда намойиш қилинган муаммоларни назорат қилиш, унга ечим топиш борасида ўз тақлифларини ўртага ташладилар. Аҳоли бандлигини таъминлаш, мигрантларга меҳнат муносабатларини қонуний йўлга қўйишда қўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқий билиминини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, тарғибот тадбирларини кучайтириш заруригини таъкидладилар. Шунингдек, ҳар бир ишга кирувчи, хоҳ хорижда, хоҳ ўзимизда бўлсин, иш берувчи билан тузиладиган меҳнат шартномаси билан

обдан танишгачина имзолаши лозимлиги айтилди.

Иштирокчилар бундай амалий семинарларни барча меҳнат жамоаларида ташкил қилишга келишиб олдилар.

Муҳаббат Тўрабоева,
«Ishonch» мухбири

Самарқанд шаҳридаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасида меҳнатнинг мажбурийлик касб этган омилларини бартараф этиш, болалар меҳнати тартиб-қоидаларига оид семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари, касба уюшма фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, ўрта махсус, халқ таълими, бандлик ва меҳнат муносабатлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, савдо-саноат палатаси вакиллари, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари мутахассислари ҳамда ОАВ ходимлари катнашди.

Семинарни вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов очиб, меҳнатнинг мажбурийлик касб этган турларига барҳам беришда жамоат назоратининг таъсирчан усулларига атрофлича тўхталиб ўтди. Шунингдек, ЎзКУФК етакчи юристконсулти Гузал Бобониева, Савдо-саноат палатаси вакили Фаррух Омонов, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси бошлиғи ўринбосари Шерзод Тўхтаев, ХМТ экспертлари Йоннес Аструп, Оксана Липкану ва бошқалар мажбурий меҳнат турлари, болаларни мажбурлаб оғир юмушларга жалб этишнинг олдини олишга доир мажбуриятлар хусусида сўз юритишди.

Иштирокчилар томонидан гуруҳларга бўлинган ҳолда меҳнатнинг мажбурийлик омиллари, меҳнат муносабатлари хусусидаги ёндашувлар, меҳнатни ташкил этишда иш берувчиларнинг мажбуриятлари муҳокама қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда меҳнат соҳасини тартибга солишдаги ҳаракатлар, зарарли омиллар қонун доирасида қал этилаётганлигига ҳам эътибор қaratилди.

— Мамлакатимизда мажбурий меҳнат турларига қонун доирасида чоралар белгиланган, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Бахтиёр Номозов. — Бюджет соҳаси ходимлари, хусусан, ўқитувчи ва тиббиёт ходимларини ана шундай ишларга жалб этишдек қусур барҳам топди.

Иштирокчилар саволларига мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Улуғбек ҒАНИЕВ,

Самарқанд вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудир

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши, Сирдарё вилояти тармок туман ва шаҳар кенгашлари раислари, Гулистон шаҳар мактаблари ва МТМ раҳбарлари ҳамда касба уюшма фаоллари иштирокидаги учрашувда ходимларнинг қўшимча ишларга жалб қилинишининг олдини олишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бундан буён ходимларни кишлоқ хўжалиги, коммунал ободонлаштириш, қурилиш, иккиламчи хом ашё йиғиш ва бошқа ишларга мажбурлан жалб этишга йўл қўймаслик чораларини қўриш фаолиятининг бирламчи шарти сифатида белгиланди. Таъкидланганидек, бу борада бошланғич касба уюшмалари фаол бўлиши талаб этилади. Қолаверса, туман, шаҳар кенгашлари, вилоят масъул ташкилотчиси ҳамда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик клиникаси ҳам яқин кўмакчи эканлиги қайд этилди.



Семинар катнашчиларига аноним сўровномалар тарқатилиб, вазият ҳақида хулоса маълумот олинди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Жиззах вилоятида Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Муносиб меҳнат дастури доирасида кишлоқ хўжалиги мавсумида ишчиларни ёллашда иш берувчилар томонидан меҳнат муҳофазаси ва ҳафсизлиги масаласига бўлган эътиборни кучайтирган ҳолда уларга муносиб меҳнат шартноғларини яратиб беришга оид семинар ўтказилди.

ХМТ вакиллари Антон Хаузен, Анастасия Дубова ва А.Хусановнинг мавзуга доир чиқишлари ҳудудий касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва Фермерлар кенгаши масъулларига тегишли хулосалар чиқариш учун имкон яратди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда ИСМАТОВА

Мамлакатимиз халқ таълими соҳаси оғир жудаликка учради. Таниқли педагог, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова 2018 йил 11 май кунин 75 ёшида вафот этди.

М.Исматова 1943 йил 7 майда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг тарих-филология факультетини тахсил олди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1968 йилда Тошкент туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида бошлади. 1975 — 1979 йилларда ушбу таълим масканида она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. 1983 йилда у Тошкент шаҳрининг Юнусов туманидаги 273-умумий ўрта таълим мактабига директор этиб тайинланди ва умрининг охирига қадар шу даргоҳда самарали иш олиб борди.

М.Исматова 50 йилдан зиёд педагогик фаолияти давомида ўзини моҳир ўқитувчи, ёшларнинг севимли устози, ўқув-тарбия жараёнларини илмий асосда

ташқил этиш, таълимни ҳаёт ва амалиёт билан уйғунлаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш борасида катта салоҳиятга эга бўлган билимдон мутахассис сифатида намойён этди. Ана шундай эзгу фазилатлари билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида кенг қўламли ислохотларни амалга оширишга, ёш авлодини ватанпарварлик ва истиклол ғояларига сadoқат руҳида тарбиялашга муносиб хисса қўшди.

Фидойи педагог раҳбарлик қилган мактаб бир неча бор «Йилнинг энг яхши мактаби» сифатида эътироф этилган бўлиб, унинг педагогик тажрибаси мамлакатимиз миқёсида кенг ўрганилиб, омалаштирилган.

Бой билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган М.Исматова жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, эл-юрт ўртасида катта обрў-эътибор қозongan эди.

М.Исматованинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 1995 йилда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони, 1999 йилда «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони билан мукофотланган эди.



Моҳир педагог, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Мавлуда Исматованинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ,
Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ,
У.ИНОЯТОВ, Т.АЗЛАРОВ

Ўзбекистон — АҚШ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

«1

Маълумки, Ўзбекистон дунёнинг кам сонли давлатлари қаторида ўзининг автомобилсозлик санаятига эга. Республикамиз «General Motors» корпорацияси билан ўзаро манфатли ҳамкорликни йўлга қўйган. У 2007 йилдан буён мамлакатимиз бозорига фаолият кўрсатмоқда. GM билан шериклик қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, автомобилларнинг янги замонавий моделлари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш билан бирга ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, экспорт ҳажмларини ошириш ва унинг жўрфоиясини кенгайтириш, савдо стратегиясини таҳминлаштириш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш сингари масалаларни ҳам қамраб олган. Шу ўринда 2011 йили «General Motors Powertrain Uzbekistan» заводи ишга туширилгани, унда энгил автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқарилаётганини ҳам эсга олиш ўринли бўлади.

Жаҳон авиасаноатининг гигант хисобланган «Boeing» мамлакатимиз учун замонавий фуқаро ҳаво кемаларини етказиб берадиган асосий шерик хисобланади. Яқинда «Ўзбекистон

хаво йўллари» миллий авиакомпанияси парки иккита «Боинг» 787-8 Dreamliner билан бойиди. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат байроғи ранглари туширилган «орзу лайнерлари» дунёнинг узок масофадаги нукталарига бетўхтов қатновларни амалга оширмоқда. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, миллий авиакомпаниямиз яқин йиллар ичида яна тўртта ана шундай «орзу лайнери»га эга бўлади. Бундан ташқари, Boeing 2016 йили Тошкентда ишга туширилган Самолётлар композит таркибий қисмларини таъмирлаш марказини яратиш бўйича лойиҳадаги ҳамкор ҳамдир.

«General Electric» корпорацияси ўзбек иқтисодиётининг нефтьга ва авиация жабҳаларидаги дастурларини ҳаётга татбиқ этишда катнашмоқда, соғлиқни сақлаш, ишга туширилгани, унда энгил автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқарилаётганини ҳам эсга олиш ўринли бўлади.

Ўзбекистоннинг дам олиш индустриясидаги салмоқли имкониятлари ҳамда республикада сайёҳлик бизнеси учун яратилган қўлай шaroитлар «Hyatt» корпорациясининг эътиборини тортди. Бугунги кунда ҳашаматли Hyatt Regency

Tashkent меҳмонхонаси Ўзбекистон пойтахтининг марказини безаб турибди. Ҳозирги пайтда компания Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда меҳмонхоналар тармоғини очиб режаларини қўзғалмоқда. Бошқа йирик корпорация — «Hilton» ҳам Ўзбекистонга назар солмоқда.

Бу ҳали ўзбек бозорига кирган ва кўпгина муваффақиятларни қўлга киритган Америка бизнес субъектларининг тўла рўйхати эмас. Сўнгги пайтларда валюта сисъатини либераллаштириш, солиқ режимини соддалаштириш, сармоядорлар учун қўшимча қўлайлаш ва имтиёзлар яратиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қўраётган республикадаги ишбилармонлик муҳити АҚШнинг етакчи фирма ва компанияларининг эътиборини ўзига тортмоқда.

Шубҳа йўқки, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражаси томонларнинг салоҳияти ва интилишларига тўла жавоб бермайди — олдинда амалий ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича улкан чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ ишлар турибди. Яқинда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан

Шаҳриёр ТУРҒУНБЕКОВ,
«Жаҳон» АА

Тадбир

«Gissarneftgaz» МЧЖ қўшма корхонасига қарашли Шимолий Нишон сиқув компрессор станциясида ўқув-семинар ташкил этилди.

ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Унда хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишларни беҳатар олиб бориш услублари, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳолатлар, жароҳатланиш ва касб касалликларини тахлили, иш берувчилар ва касба уюшмалари ҳамкорлигида меҳнат шaroитини яхшилаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шериклик самарадорлигини оширишга оид маърузалар барча учун фойдали бўлди.

Семинар чоғида ёнгин-тактик ўқув-машулотларга ҳам кенг ўрин берилди.

Ўз мухбири

Касаба уюшмалари — фахрийларга!

Хотира ва қадрлаш куйи муносабати билан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳар бир ҳудудда ижтимоий акциялар ташкил этилиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийларига ғамхўрлик ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.

Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари хотирланиб, уларнинг оила аъзолари моддий қўллаб-қувватланмоқда. Меҳнат жамоаларида ташкил этилаётган тадбирларда эса Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат ва Қуроли кучлар фахрийлари иштирокида «Инсон қадри улуг, хотира муқаддас», «Мардлик, бучи ва сadoқат» мавзуларида авлодлар учрашуви, давра суҳбати ва маърифий тадбирлар уюштирилмоқда.

Жумладан, пойтахтимиздаги «Уруш ва меҳнат фахрийлари Республика пансионати»да истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийларига Касаба уюшмалари Федерацияси совғалари топширилди. Таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдод эгалари ижросидаги куй ва қўшиқлар даврага янада ғайб бағишланди.

Республикамиздаги «Саховат» уйлари, меҳнат жамоаларида ҳам шундай тадбирлар ташкил этилиб, кексалар, жисмоний имконияти чекланган ҳамда ёлғиз инсонлар касба уюшмалари томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, жойларда 200 нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари учун тарихий обидалар, диққатга сазовор масканлар ҳамда зияратгоҳларга саёхатлар ташкил этилди. Корхона ва ташкилотларда кўп йиллар меҳнат қилиб, бугунги кунда кексалик шартини сураётган меҳнат фахрийлари ҳамда Афғон уруши қатнашчиларига байрам совғалари топшириш билан бирга,

уларнинг маданий-маърифий тадбирларга ташрифлари уюштирилди.

Касаба уюшмалари вакиллари иштирокида хизмат вазифини ўташ даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оилалари ҳолидан хабар олиниб, уларга манзилли моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнат жамоаларида фахрийлар ўрта-сида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, балминг турлари бўйича мусобақалар ҳамда ёшлар ўртасида Хотира турнирлари ўтказилди. Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда эса Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti катнашчилари, ноғиронлиги бўлган инсонлар ва фахрийларнинг сифатли соғломлаштирилиши учун барча зарур шарт-шaroит ҳамда қўшимча қўлайликлар яратилиб, 18 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, уларнинг 12 нафар қузатувчилари, 369 нафар меҳнат фахрийлари бепул соғломлаштирилмоқда.


Акция доирасида шунингдек, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси хисобида турувчи бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши, меҳнат fronti катнашчилари ҳамда хизмат вазифини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ноғиронлиги бўлган ходимлар оилалари ҳолидан хабар олинди.

Жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи 1926 йилда туғилган Қаждор Холматов меҳнат fronti қатнашчиси, Миробод туманида истиқомат қилаётган подполковник Александр Журавлев хонадонларига ташриф буюрилди ва совғалар топширилди.

Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ўзларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун чин қалбдан миннатдорчилик билдириб, Ватанимиздаги тинчлик ва хотиржамлик, тўқин ва фаровон ҳаётга шу-кроналар айтиб дуога қўл очилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари

Яқинда «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонини топшириш тантанали маросимига тўпланган мамлакатимизнинг улўф ёшли нуронийлари қаторида кўкраги орден-медалларга тўла, чеҳрасидан зиё ёғилиб турган, гап-сўзлари равон ва маънилик пир қиёфасига кирган азим инсон билан сўйлашиб ўтириб, негадир эсимга генерал-майор, эл қаҳрамони Собир Раҳимов тушди.



Иброҳим ҲАҒУРОВ оғзини сурат.

Муносабат

Кўз ўнгимдан генерал Миркомил Миршаропов ўтди. Қалбимда аланга олиб келаётган шовён хотира пилигини азамат курашчи, Меҳнат Қаҳрамони Мирзааҳмад Мирҳодиев ёди янада равшанроқ ёритди. Ахир, улар ва улар каби яна неча-нечалар шу улўф сафда, шу улўф қошонада ўтиришлари, файзли дамларнинг нашидаларини суриши мумкин эди-ку! Аммо суронли, шахд-шиддатли, талотўпли замонлар, жанглар, омонсиз тўқнашувлар уларнинг кемаларини аёвсиз вақт қаърига суриб кетди.

туғишган яқин қариндош эди. Уларнинг Тахтаулда ховли-жойлари бўлиб, поччам шу ерга борганида Собир Раҳимов билан кўришарди. Собир Раҳимов халқ ичидан чиққан, халққа бениҳоя яқин инсон эди. Мисоли Йўлдош ота Охунбобоев ёки Усмон ота Юсупов каби. Халқ уларни севиб, ардоқлаб, ўз келажигини улар билан чамбарчас боғлаб «Ота» деб атар эди. Табиат унга — тегирмончининг ўғлига — тиришқоқлик, матонат, иродани қўшқўлаб ато этганди. Беш ашар чоғидан унинг

ёт-мамонт учун кураш кетаётган жабҳаларида унинг қўмондонлик санъати, маҳорати, стратегик ақл-идроки, таланти юксак даражада намоён бўлди. Унинг қўшинлари фашистлар ва фашизмга қарши қаттол, беҳад оғир, узок давом этган жангларда неча марта лаб хай-



Иброҳим ҲАҒУРОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Ўлмас жасорат

Бу каби сиймолар, айниқса, машриқдан чиққан шер — Собир Раҳимов биз энди саксонга кираётганлар — болалигимиз ва ёшлигимизнинг чин қаҳрамони эди. Ҳамма нарса эсдан чиқса ҳам, болалик қаҳрамонлари асло ёддан кўтарилмайди. Уларнинг қаҳрамонликлари — бизнинг ҳаётимиз, борлигимиз, одамийлигимизнинг «атом» билан ҳам йўқотиб бўлмайдиган ажралмас бўлаги, маънавий жасоратимизнинг олтин бешиги. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, темирйўлчи поччам Раҳмат Қудратов бола чоғларимизда Собир Раҳимов ҳақида кўп антика гапларни тўлиқиб-тошиб хикоя қиларди. Саркардамизнинг зехни ўткирлиги, аскияни севиши, ҳақгўйлиги, доим камбағал бечораларга қайишиб, уларга ён босиши, қариндош-уруғларига меҳр-окибати, оксоқоллар билан гурунглашишни яхши кўриши, одампарварлигига мисоллар келтириб сўйларди. Поччамнинг онаси Собир Раҳимовга

барча дамлари том маънода жанг ичида ўтди. У ўзини одам сифатида жанг билан яратди. Жанг билан тарбиялади. У кураш, жанг, тобланиш учун дунёга келган одам эди. Яхши касб-хунар эгаллади, қут билан маълумотли саводхон бўлди. Одамийлик мақсад-матлабини курашдан, жангдан излаганлардан бири Собир Раҳимов бўлди. Унинг курашларга йўғрилган ёшлик, ўсмирлик йиллари ўлкада синфий курашлар авж олган, фукаралар урушининг қизиган даврларга тўғри келди. Собир 1922 — 1925 йилларда Боку ҳарбий мактабида таълим олди. Шу ерда унинг қўмондонлик лаёқати намоён бўла бошлади. Биринчи ўзбек отлик полкида взвод командири, 41-отлик полкида эскадронга қўмондонлик қилди. Собир Раҳимов ўз устида тинимсиз ва қаттиқ ишлайдиган, адолатли, беҳад темир интизомли қўмондон эди. Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли, ха-

ратомуз ғалабаларга эришди. Уларни суйиб «Раҳимовчилар» деб атайдиган бўлдилар. «Раҳимовчилар» энг қийин шароитларда зафар қозониш рамзи бўлиб қолди. Улар Собир Раҳимов — жангчи ва қўмондонга жуда қаттиқ ишонар эди. Қўмондон эса ҳаммаша фронтнинг энг хатарли жойида — фақат олдинги сафда бўлар, ўз ҳарбий стратегиясининг фашизм ҳарбий машинаси ва стратегиясидан устунилигини намоён этарди. Бунга онгли суратда интиларди. Собир Раҳимов — ўзбек халқининг асл фарзанди, халқ қаҳрамони ва озодлик фидойисидир. «Бир қадам ҳам чекиниш йўқ!» Бу улўф саркарданинг шиори эди. Унга доимо амал қилди. Жангу жадаллар билан тўлган замонлар Собир Раҳимовдай афсонавий одамларни дунёга келтирган эди. Уларни замон айланалари, гирдоблари етиштирганди. Уларнинг инсоний ибрати — Замонлар ибрати — наслларга тарих ўғитидир.

У бир-иккита дивизия эмас — Белорусь fronti каби улкан фронтларни бошқара оладиган, ғалабаларга элта оладиган улўф саркарда бўлиб етилган эди. Нега унга олий қаҳрамонлик унвони 1945 йилда эмас, ҳалокатидан йигирма йил ўтиб 1965 йилда берилди? Нега унинг ҳарбий стратегик санъати шу пайтгача ўрганилмай келади? Нега у уч карра арзиса ҳам «Маршал» унвонига тақдим этилмади? Нега у ўзини оддий жангчидай ҳаммаша фронтнинг олдинги сафига, ўлим хатари ёғилган жабҳаларга ўрди? Бундай саволларга ҳарбий архивларда жавоблар бўлса керак. Аммо ҳозирча улар саркарда тарихи учун сир бўлиб қолмоқда.



Жасорат унутилмайди

Мухаммадисмоил эшиқдан ўзгача ҳаяжон билан кириб келди. — Отажон, бугун коллежимизда ҳарбийлар билан учрашдик. Сўхбат чоғида мени ҳарбий хизматчи бўлишга таклиф қилишди... Фарзандининг кўзидаги қувонч ва шижоатни кўриб ўзининг ёшлик даври ёдига тушди. Ҳарбий хизмат бурчини бажариш давомида алоқачи-сержант унвонини олгач, Афғонистонда тинчликпарварлик миссиясида иштирок этгани кўз ўнгидан ўтди. Ватан хизматига шайланган фарзанди учинчи авлод вакили эди. Бобоси Туроб бобо айна навқирон ёшида ёлғиз онаси, аёли ва икки нафар фарзандини қолдириб, Ватан ҳимоясига отланди. Душманга нисбатан нафрат ва оиласига бўлган муҳаббат унга куч бағишлади.

Ўзбекнинг ори баланд, садоқати тенгсиз

Собиқ иттифокнинг турли худудларидан жамулжам бўлган аскарлар қаторида хушчақчақ феълли ўзбек йигити Туроб Муслимов ҳам ватан ҳимояси йўлида қонли жангга киришди. Унинг асосий вазифаси душманни пулемётдан ўққа тутиб, пиёда аскарларга йўл очиш эди. У биринчи марта 1942 йили ёнгинасида портлаган снаряддан жароҳатланиб, госпиталга тушди. Икки ойга яқин даволангач яна сафга қайтди. Иккинчи бор елкасидан яраланди. Тез муддат ичида даволаниб сафдошлари қаторига қўшилди. Курск яқинидаги жангда у учинчи бор яраланди. Буниси анча жиддий эди. Ҳарбий дала госпиталида уни операция қилиб қайта жангга киролмаслигини айтишди. У «мен фарзандимга урушни тугатиб қайтаман», — деб ваъда берганман. Уруш тугамай туриб уйга бориб унинг кўзларига қандай қарайман, мен сафга қайтаман», дея ўз сўзида қатъий туриб олди ва яна жангга қайтди.

бўламан, қўллари кесилган бўлса, қўл бўламан. Фарзандларимнинг отасидан воз кечмайман», деган жавоб хат ёзди. Зухраҳон ая бир неча ой давомида онаси ва икки нафар фарзанди билан эрини интиқлик билан кўтди. Шундай кунларнинг бирида узокдан қўлтиқтаёққа таянган бўйчан аскар йигит кўринди. Аввалига кўзларига ишонмаган аёл қайнонасига юзланди. «Онажон, қаранг, анави биз томонга қараб келаётган ҳасса таянган аскар ўғлингиз эмасми?». Ҳа, у ўша Ватан ҳимояси йўлида қондан, керак бўлса жондан кечишга тайёр, орияти ҳар нарсадан устун бўлган ўзбек йигити, турмуш ўртоғи Туробжон Муслимов эди.

Мухаммадисмоилнинг отаси ана шуларни гапириб берар экан, ҳар бир йигит, айниқса, ҳарбий хизматчининг Ватани олдидаги бурчи муқаддаслиги, қалбидаги ори ҳар нарсадан устунилигини айтиб, бобоси ва отасига муносиб фарзанд бўлиш йўлида ўғлига оқ фотиҳа берди.

Муқаддас
РАЗЗОҚОВА



Ҳамид ОЛИМЖОН

Ғалаба қўшиғи

Фашизм — одамзод учун қора доғ келди, Қуёш нурига қарши чағ билан тупроқ келди. Улакка устидаги қўзғун билан зог келди; Елғиз менинг Ватаним бахт ўстирар бос келди.

Қумдўзи тун деб ўйлаб сарҳадга келди ўри, Қўршапақ охири отамага келди тўри. Тушар дом эсимга — ўзбек мақолидир бу: Ким аввал мушт кўтарса, албатта, қўрқоқ келди.

Гитлернинг ичда қилган қарғишини билардиқ, Ер тағида илоннинг изғишини билардиқ; Ғофил деб ўйламасин, ҳар ишини билардиқ, Ўрмонда бўри билан шер олишар чоғ келди.

Душмanning тепасида ётиб нўлат қўлочин, Қаххат билан олишгай осмонда зўр алочин. Тарихнинг ҳужмидир бу: бизникидир зафар чин, Қутурган селга қарши осмон бўйи тоғ келди.

Ҳозир бўлсин фашизм ер тағида қиришга, Мана биз қўққа учдик, тепасида қиришга, Одамзод гуноҳимиз, қойил қолсин бу ишга, Душманларни ер билан яқсон қилар чоғ келди.



ЭЪЗОЗ

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича барча зарур чоралар кўриб борилмоқда. Улар саломатлигини тиклаш ва хонадонларида ободонлаштириш ишлари ташкил этиб келинапти. Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи мана шундай аёллардан бир гуруҳининг хонадонига борилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди. Таъриф давомида улар байрам билан қутланди, уларга эсдалик совғалари тақдим қилинди. «Қизларжон» клуби аъзоларининг шеър ва қўшиқлари кўнгулларга завқ улашди. Бундай тадбирлар давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз

Долзарб мавзу

Одамни онгли мавжудотга ва цивилизацияни тизимли воқеликка айлантирган икки кашфиёт мавжуд: биринчиси — меҳнат қуроли, иккинчиси — китоб.

Яқинда уч йил олдин вафот этган ҳамкасбимнинг ўғлини кўчада учратиб қолдим. Унинг чанг қўнган ўст-бошига саволмуз тикилдим. У нима демоқчи эканимни илғаб, «китобларни мақулатурага топшириб келаялман» деди. У раҳматли отасининг китобларини назарда тутатган эди. Ҳамкасбимнинг қаерга борса, китоб дўконларига киргани, олтиш йил мобайнида йиққан китоблари билан фахрланиб, мақтанганлари кўз олдимга келди.

— Афсус...

— Эски китобларни энди нима ҳам қиламан, — деди у хижолатомуз.

Бу гапни эшитиб ўйланиб қолдим: Хўш, китобнинг эскиси ёки янгиси бўладими? Уни ким белгилайди? У чоп этилган, ёзилган даврига қараб белгиладими? Унда тарихий-маънавий меросни кўр-кўрона рад этган бўламиз-ку?! Фотобий, Беруний, Ибн Сино, Румий, Навоий, Махтумқули, Абай, Чингиз Айтматов, ҳатто Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов асарлари ҳам «эски» сифатида мутлоадан чиқарилмайдими? «Янги» деганда нима назарда тутилади ўзи? Агар китобларни эски ва янгига ажратиш бир-икки кишига, ақли нокис ёшга тааллуқли бўлганида уни бундай муҳокамага олиб чиқишга ҳожат қолмас эди. Минг афсуски, айрим идоралар тазйиқи таъсирида китобларни эски ва янгига ажратиш сийёсат даражасига кўтарилмоқда.


Масалан, Олий Аттестация комиссиясининг талабига мувофиқ илмий тадқиқотлар «янги адабиётлар»га таяниши зарур. «Янги адабиётлар» дейилганда кейинги 10-15 йил ичида чоп этилган китоблар назарда тутилади. Бу талаб илм-фан ривожига ҳам, давлатимизнинг тарихий-маънавий меросини ўрганиш ва асраш сийёсатига ҳам мутлақо зид-ку?! Олий Аттестация комиссияси Ўзбекистондаги замонавий илм-фан XX асрда шаклланиганини унутиб қўйган, шекилли. Чунки айнан шу даврда чоп этилган асарлардан фойдаланиш тақиқланаётган. Ҳолбуки, муштақилик арафасида республикамизда 8 мингга яқин омма-



Виктор АЛИМОВ,
фалсафа фанлари доктори

вий кутубхоналар бўлган, уларда 85,5 миллион донага яқин китоб ва журналлар сақланган. Ҳар бир туман, шаҳар, қишлоқ ва меҳнат жамоасида кутубхона мавжуд бўлиб, уларда кутубхоначилар ишлаган. Қишлоқ жойларида кутубхона ҳақиқий маданият ва маърифат ўчоғи эди. 2001 йилга келиб Маданият вазирлигидаги «мутахассислар» ва уларни қўллаб-қувватловчилар кутубхоналарни беркитишга эришишди ва китобларни тоналлаб (!) мақулатурага топшириш ҳақида буйруқ беришди. Эмишки, кутубхоналар ҳам, улардаги китоблар ҳам «эски».

Қайсидир олим, академик вафот этганини эшитсам, дарров унинг кутубхонаси кўз олдимга келади. Газетада эълон қилинадиган тазйинома олим хизматларига берилган давлат ва жамоатчилик баҳосидек туюлади, лекин бу етарли эмас. Олимнинг қўлёзмалари, йиққан китоблари, буюмларини асраш ҳақида қайғуриш керак. Айрим ёзувчи ва мусаввирларимизнинг уй-музейлари бор, шундай уй-музейларни олимларга



ҳам яратишимиз зарур. Бундай уй-музейлар, қизиқарли учрашувлар ўтказувчи, ижод ахлининг маърифий чиқишларини уюштирувчи аудитория вазифини ўташи лозим. Ижодкор ва олимлар меросига, улар яшаган ва ижод қилган уйларида эътибор вилоятлардаги маданий ҳаётни жонлантириши шубҳасиз. Хива шаҳридаги Аваз Ўтар ўғли уй-музейига ёшлаганди кўп борганман. Ҳозир у хароб ахволга келиб қолган. Ўрни келганида яна бир мисол келтирай. Бир пайтлари Хива шаҳрида Ўлкашунослик музейи бор эди. Мўъжазгина ҳовли ва пастаккина тўрт хонада 12 мингтадан зиёд экспонат

нат — қотирилган жониворлар, скелетлар, турли тошлар, суратлар, уруғ-донлар, қўлёзмалар, китоблар сақланарди. Мақтабдан ташқари бу муассаса аълочи ўқувчилар ва музей фаолларини ҳар йили таътилда турли ўлкаларга саёҳатга олиб борар, нодир бойликларни йиғиб келар эди. Шундай музейлар ҳар бир туман ва шаҳарларда ташкил этилган эди. Ҳар бир меҳнат жамоаси ўзининг тарих ва шон-шухрат музейига эга эди. Улар тарихини тарғиб қилиш билан шугулланарди. Уларда қанчадан-қанча этнографик ва жугро-

Фанлар Академияси қошида олимлар уй-музейларини сақлаш учун ташкил этиладиган махсус жамғармага ўтказишни йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, уй-музейлардаги қўлёзма, китоб ва экспонатларни инвентаризация қилиш ва Фанлар Академияси кутубхонасининг умумий фондида киритиш, уларни талон-тарож қилмаслик учун махсус қонун қабул қилиш ёки «Музейлар тўғрисида»ги қонунга қўшимчалар киритиш керак. Ёзувчи, шоир ва мунаққидлар уй-музейларини ташкил этишни Ёзувчилар уюшмаси, мусаввирлар уй-музейла-

Китобнинг эски, янгиси бўладими?

рини, Бадий академия, мусикачилар уй-музейларини Бастакорлар уюшмаси ўз зиммасига оласа бўлади. Махалла фуқаролар йиғинлари ходимларига уй-музейларининг маърифий-тарғибот ишларига жалб этиш, уларга зарур ёрдамлар кўрсатишни вазифа қилиб юклash мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муаммо шундаки, ижодкорлар, айниқса, таниқли олим ва академикларимиз меҳросини тўплаб, кўп жилдли китоблар тарзида нашр этиш лозим. Бу ишни Фанлар Академияси, «Фан» ва «Фан ва технологиялар» нашриётлари ўз зиммасига олиши мумкин. Масалан, «Мумтоз сўз» нашриёти академик Азизхон Қайумовнинг 12 жилдлик асарлар тўпламини чоп этиб, ибратли иш қилган. Улардан ҳозир Россия ва Франциядаги университетларнинг олимлари фойдаланмоқда. Минг афсуски, нашриётнинг маблағи етарли эмаслиги сабабли асарлар жуда оз нусхада чоп этилган. Агар Фанлар Академияси ўз аъзосининг меҳроси билан қизиққан, уни оммалаштиришга бош-қош бўлганда устознинг китоблари кенг китобхоналарга бориб етадиган нусхада чоп этилган бўлар эди.

Бу фикрга мутасаддилар қандай муносабат билдирар экан?...

Кўрик-танлов



Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Зафаробод туман кенгаши томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси» кўрик-танловида ҳам мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган 12 нафар ёш тарбиячи иштирок этди.

Танишув, эркин мавзу, касбий-психологик саволларга жавоб қайтариш, ижодкорлик каби шартлар бўйича маҳорати, билим ва интилувчанлигини намоиш қилган 3-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Шоҳида Сувоқилова биринчи ўринни эгаллади. 1- ва 5-мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари Маъмура Валиева ҳамда Соҳиба Раҳматова иккинчи ва учинчи ўрин соҳибалари бўлишди.

Кўрик-танлов ғолиблари ва фаол иштирокчилар тармок касба уюшмаси туман кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муҳаммад Дўстов,

Тармок касба уюшмаси
Зафаробод туман кенгаши раиси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши томонидан «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг «Энг фаол ёш тарбиячи» номинациясининг 1-босқичи якунланди.

Унда таълим муассасаларидан 13 нафар иштирокчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, видеолар, слайд ҳамда кўргазмалар воситалари ҳакамлар хайъати томонидан баҳоланиб, ғолиблар аниқланди.

— Ушбу танлов мен учун катта синов бўлди, — дейди 1-ўрин соҳибаси, Гулистон шаҳри «Қувонч» мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Зоҳида Умаралиева. — Видеолар шартда юқори баҳоланганим асқотди. Унда «Ақлли боғбон» эртаги асосидаги машғулотларим тасвирини тақдим қилган эдим. Гуруҳим билан биргаликда боғбон ва дехқонни фарқлаш, эртаник видео ва аудио шаклида тинглаш, расмлар иштирокида саволларга жавоб бериш ҳамда медалларни ўзимиз ясаб ёпиштириш машғулотларини ба- жарганмиз. Болаларни рағбатлантиришда уларга одатдаги юлдузча, рангли қоғозчалар ўрнига китобчалар улаштириш методини қўллаганман.

Якуний натижаларга биноан, 2-ўрин 9-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Дилдора Абдураупова, 3-ўрин эса 3-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Дилдора Халиловага насиб этди.

Ғолиблар тармок касба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фарҳод ТАШТАНОВ,

Тармок касба уюшмаси
Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Жаҳон адабиёти

Абу АММАР

Некбин ва тушқун



режа уюштиринг. Иккисига аталган совғани алоҳида-алоҳида топширинг. Некбин болага энг яхши тушқун, тушқунга эса жирканч бир нарса совға қилинг. Балки шунда уларнинг феъл-атворида ўзгариш юз берар...

Ота-она маслаҳатга амал қилиб, туғилган кунни интиқ қутишибди. Ўша кун келгач эса иккисини алоҳида хонага чақириб, совға солинган қутиларни уза- тишибди. Сўнг эса...

— Бу компьютернинг ранги менга ёқмади, — дебди тушқун бола. — Аниқ биламанки, кўпга етмай бўзилади. Ўйинлари ҳам йўқ экан... Ўзигагиз ҳойнаҳой мендан яхшироқ совға олган бўлса керак-а?!

Шу пайт некбин боланинг хонасидан қаҳ-қаҳа эшитилибди:

— Қандай яхши! Тезак тўла кути! Демак, қаердадир тулпорим ҳам бор!

Нодирбаегим ИБРОҲИМОВА
таржимаси

Сабоқ



Овчи йигит ва бўри

Бир куни овчи йигит милтигини елкасига олиб, бўрибосар итини етаклаб тоққа чиқибди. Бир нечта бедана ва қалқик отибди. Ови бароридан келиб, қуш қайфиятда қайтаётган, кўзи бир ғорга тушибди. Не кўз билан кўрсинки, ичкарида ургочи бўри иккида боласини эмизиб ётганмиш. Фавқуллода учрашувдан жунбушга келган она бўри тишларини кўрсатиб ириллабди. Йигит шоша-пиша ургочи бўрига ўқ узиди. Бўрибосар эса унинг болаларини ғажиб ташлабди. Овчи йигит оқшомда дўстларини чақириб зиёфат берибди.

Тонгда у ҳовлидаги шовқиндан уйғонибди. Югу-

риб ташқарига чиқса... не кўз билан кўрсинки, ҳовлининг ўртасида бузоқдек келадиган баҳайбат эркак бўри турар, ёнида эса... 5 ёшли қизи бўрининг думидан тор- тар ва:

— Дада, қаранг, кучук, қаатта кучук! — деб ўзида йўқ қувониб бақирарди! Йигитнинг вужуди музлаб қолди! У кеча тоғда ўзи ўлдирган бўри болаларининг отаси эди! Шуғрида «Тамом! Қизимдан айрилдим! Бўри қасос олгани келди!» деган фикр ярқ этибди.

Шу пайт бўри қизалоқнинг юзини исқабди ва йигитга қараб мунгли овозда увлабди. Масофа қанчалек узок бўлмасин, йигит бўрининг кўзларидан оққан

ёшни кўрибди! Ё қудратингдан, бу не мўъжиза?! Бўри ҳеч қутилмаганда чакмоқ тезлигида югуриб девордан сакрабди ва кўздан ғойиб бўлибди. Овчи йигитнинг ранги оқариб кетган, бўлиши муқаррар бўлган муҳиш воқеадан кўрқанидан бутун вужудидан тер қуйилар, оёқлари қалтирар, тили қалимага келмасди. Аранг қадам босиб бориб, қизчасини қучоқлаб, хўнграб йиғлаб юборибди! Ҳа, бўри унинг фарзандини аяган эди! Ҳатто шу тилсиз, онгсиз, энг ваҳший жонзот ҳам болага раҳм қилганди! Ваҳоланки, у инсон бўла туриб, бўри болаларига ачинмаганди... Йигит милтигини тошга уриб синдириб ташлабди ва қайтиб ов қилмасликка қасам ичибди.

Баҳодир МУҲАММАДИЕВ,

Юнусобод тумани «Қуллол-Қўрғон»
жоме масжиди имом-ноиб

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир: Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгилликлар,
таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва сақифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТБ «Ispiteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-90) 991-55-71
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олган ҳама маълумотларда манба оқфатда газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи
назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

А. Тошев
Навбатчи:
С. Абдурахмонов
Мусаҳҳир:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдураҳимов
Босишга топшириш вақти: — 00:20
Топширилди: — 00:30
1 2 3 4 5 6
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳар ҳини 2 босма табоқ.
Буюртма Г — 509.
31608 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133